

ҚЎЛЁЗМА КИТОБ ТАРИХИ ВА ЁЗУВ АШЁЛАРИ

Зоҳидов Рашид Фозилович

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети профессори

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада қўлёзма китобларнинг пайдо бўлиш тарихи, ёзувнинг яратилиши ва шаклланиши жараёни ҳамда қадимда кенг тарқалган ёзув материаллари ҳақида сўз юритилади

Таянч ибора ва тушунчалар: пергамент, ўрама китоб, Мусхафи Усманий, Қуръоннинг жамланиши, энг қадимий ёзувлар, эпиграфик матн, тери, қоғоз, маъдан, қалам, сиёҳ, даво.

ABSTRACT

This article discusses the history of the emergence of manuscripts, the process of the creation and formation of writing, and the writing materials that were widespread in antiquity.

Key terms and concepts: parchment, scroll, Mushafi Usmani, compilation of the Quran, the oldest writings, epigraphic text, leather, paper, ore, pen, ink, dawlat.

Китобнинг пайдо бўлиш тарихи ёзувнинг яратилиши ва шаклланиши жараёни билан узвий боғлиқ. Қадимги Миср, Рим, Юнонистон ва Ўрта Осиёда кишилар тош, пальма дарахти барглари, сопол каби материалларга ёзиб, фикрларини изҳор этишган. Ҳар бир китоб ўнлаб шундай материаллардан тайёрланиб, вазни оғир бўлган. Ёзув материали сифатида папирус ўсимлиги ишлатилиши (милoddan аввалги 4–3 минг йилликларда) билан ўрама китоблар пайдо бўлди. Бундай китобларнинг узунлиги ўртача 10 м атрофида бўлиб, ингичка, юмалоқ таёқларга ўралган ва махсус чарм ёки ёғоч ғилофларда сақланган. Шарқ мамлакатлари, Қадимги Рим ва Юнонистондаги кўпгина нодир асарлар папирусга битилган. Милoddan аввалги 2-асрга келиб китоб материали сифатида пергамент (тери)дан фойдаланиш кенг расм бўлди. Дастлаб бундай китоб ўрама ҳолда сақланган. II – IV асрлардан бошлаб Қадимги Римда худди ҳозирги китобларнинг варақалари сингари буклаб, тикиб тайёрланган ва бир-бирига бириктирилган, муқовали китоблар пайдо бўлган. Улар дастлаб папирус, сўнг пергаментга ёзилган. VI асрдан бошлаб анъанавий кўринишдаги китоблар пайдо бўлди.

Терига ишланган ноёб китоблардан бири VII асрда халифа Усмон розияллоҳу анҳу кўрсатмаси билан битта муқова остига жамланган тарихда “Мусҳафи Усманий” номи билан машҳур Қуръондир. Қуръонни жамлаш унинг турли саҳифалардаги бўлақларини тўплаш, сўнгра сураларни тартиб билан жойлаштириб, саҳифаларни битта мусҳаф (муқова) остида йиғиш деганидир. Қуръонни бу тарзда жамлаш Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлигида воқе бўлмади. У пайтда Қуръон тўлалигича саҳобаларнинг қалбларида ҳифз қилинган эди. Шунингдек, баъзан ясси тошларга, хурмо пўстлоқларига, ҳайвонларнинг курак суякларига, эгарларга ва ошланган тери парчаларига ҳам ёзилган.

Абу Бакр Сиддиқ халифалиги даврида Ямомада Мусайлима кўшини билан бўлган жангда мусулмонлардан жуда кўп (500, баъзи ривоятларга кўра, 700 нафар) Қуръон ҳофизлари шаҳид бўлишди. Бу воқеадан Умар ибн Хаттоб даҳшатга тушди, Қуръонни ёд билган қориларнинг ўлими туфайли оятлар унутилиб кетишидан кўрқди ва Абу Бакр ҳузурига кириб, Қуръонни жам қилишга буюришларини сўради. Абу Бакр Сиддиқ Бу масъулиятли ишга Пайғамбарнинг ваҳий котиби Зайд ибн Собитни бошчи қилди. Зайд ибн Собит хурмо пўстлоқларига, тошларга ёзилган оятларни йиғиб, оятларни ёд олган одамлардан эшитиб, Қуръонни тўлиқ жамлади. Жамланган бу саҳифалар дастлаб Абу Бакр Сиддиқда, унинг вафотидан сўнг ҳазрати Умарда, ҳазрати Умарнинг қизи Ҳафсада сақланди.

Қуръоннинг иккинчи марта жамланишига сабаб бўлган воқеа хусусида Анас ибн Молик ҳикоя қилади: “Ҳузайфа ибн Яман Усмон ибн Аффоннинг олдида келди. У Шом ва Ироқ аҳли билан Арманистон ва Озарбойжонни фатҳ қилиш учун жанг қилар эди. Ҳузайфани қироатда (Қуръоннинг ўқилишида) пайдо бўлган ихтилоф хавфга солиб қўйди. Бу хусусда у Усмон ибн Аффонга: “Эй амирул мўминин! Яҳудий ва насронийларнинг китоб борасида пайдо бўлган ихтилофи каби бир фитна орага тушмасидан олдин умматни огоҳлантиринг”- деди.

Усмон ибн Аффон Ҳафса онамиздан Мусҳафни кўчириб олиш учун бериб туришларини сўраб, элчи юборди. Ҳафса онамиз Мусҳафни Усмон ибн Аффонга жўнатди. Халифа Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саид ибн Ос, Абдурахмон ибн Ҳорис, Ибн Ҳишомга Мусҳафдан нусхалар олишни буюрди. Улар Мусҳаф нусхаларини кўпайтира бошладилар. Усмон ибн Аффон курайшлик Абдуллоҳ, Саид ва Абдурахмонга айтди: “Агар сиз ва Зайд ибн Собит жамлаган Қуръондаги бирор сўз хусусида ихтилофга борсангиз, Зайдга курайшнинг тилида ёздинглар, чунки Қуръон курайш тилида нозил бўлган”. Улар шу тариқа Мусҳафдан нусхалар кўчиришди. Кейин Усмон ибн Аффон

Абу Бакр Сиддик даврида кўчирилган нусхани яна Ҳафса онамизга қайтариб берди. Кўчирилган нусхаларни дунёнинг тўрт тарафига жўнатди ва Қуръоннинг ушбу нусхаларидан бошқа барча нусхаларини ёқиб юборишни буюрди”¹.

Жами 353 варақ, ҳажми 68x53x22 см бўлган, куфий хатида ёзилган Қуръони каримнинг бу нодир нусхаси Амир Темур томонидан Самарқандга олиб келинган. Ҳозирда мазкур нусха Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади.

Ўтмишда ёзув тош, ёғоч (тахтача ёки тахта), сопол, металл, тери, қоғоз каби воситалар орқали амалга оширилган. Қадимда хотира мақсадидаги ёзувлар учун тошдан кенг фойдаланилган. Марказий Осиёдан топилган энг қадимий ёзувлар Биринчи ва Иккинчи кўк турк хоқонликлари даврига мансуб. Ислон маданиятида ҳам оятлар, ҳадиси шарифлар ва ҳикматли сўзлардан иборат матнларни ёзиш анъанаси давом этган. Матншуносликда тошга битилган ёзувларга нисбатан “монументал матн”, “эпиграфик матн” атамалари ишлатилади. Ёзув ашёларидан яна бири ёғочдир. Масалан, Муғ тоғидан топилган 80 та ёдгорликдан 23 таси ёғочдан ишланган. Бунда кўпроқ тол дарахтидан фойдаланишган. У кесиб олинган, пўстлоғидан тозалаб, узунасига ўртасидан иккига ажратилган. Кейин айна шаклда силлақлаб, қуритилган. Ёзув ёғочнинг текис томонига ҳам, айланасимон ташқи тарафига ҳам ёзилган. Мактаб таълимида тахтадан кенг фойдаланилган.

Қадимда кенг тарқалган ёзув материаларидан яна бири сопол буюмлардир. Ёзув кўза ва турли сопол идишларнинг ташқи қисмига битилган. Дастлаб сопол буюмлардаги ёзувлар кулолнинг белгиси, буюмнинг эгаси, идишнинг сифими, унинг нимани сақлашга мўлжаллангани каби маълумотларни акс эттирган бўлса, кейинчалик каттароқ матнлар учун ҳам сополдан фойдаланилган. Шунингдек, металл ҳам қадимий ёзув ашёларидан бўлиб, олтин, кумуш, мис ва бошқа маъданлардан ишланган идишлар ёки қилич, пичоқ сиртига турли мақсадда матнлар битилган. Ўрта Осиё халқлари терини ҳам ёзув материали сифатида ишлатишган. Авесто китоби ўн икки минг кийик терисига ёзилгани ҳақида ривоятлар бор.

Фанда эътироф этилишича, қоғоз дастлаб Хитойда милодий 105 йилда кашф этилган.² Қоғоз хомашёси сифатида дастлаб ўсимлик пўстлоғи, эски пахталик кийимлар ва яроқсиз балиқ турларидан фойдаланилган. Кейинчалик унинг ишлаб чиқариш технологияси такомиллашиб, пахта толаси ва дарахт пўстлоғидан олинган. Қоғознинг кашф қилиниши китоб тарихида янги давр

¹ Абдусаттор Шайх. Абдуллох ибн Масъуд. Т., 2004, 106-бет

² Бу ҳақда Қ.Содиқовнинг “Манбашунослик ва матншунослик асослари” қўлланмасида батафсил маълумот берилган (ТДШИ, 2017, 47-бет).

очди. Айрим маълумотларга қараганда, 650 йиллардаёқ Самарқандда қоғозли китоблар бўлган. XIII асрдан Европада қоғоз асосий ёзув материали бўлиб қолди. Қоғоз китобнинг кўпайишига ва тарқалишига янги имконият очди. Китоб безашга алоҳида аҳамият берилди. Унинг саҳифаларига турли миниатюралар, ҳошияларига безаклар ишлана бошлади. Аста-секин хаттотлик, муқовасозлик каби касблар ажралиб чиқди. Айниқса, Ўрта Осиёда ўрта асрларда хаттотлик санъати кенг ривожланди. Машҳур хаттотларнинг кўп авлодлари китоб тайёрлаш усулини – материаллар, сиёҳ, хат кўчириш техникасини такомиллаштириб боришди.

Қалам араб ёзувининг асосий қуроли ҳисобланади. Шунга кўра араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви ҳам фақат қалам билан битилган. Бироқ қалам дейилганда ҳозирги турли номлар билан аталувчи графит қаламларни тушунмаслик лозим. Илмий манбаларда айтилишича, қалам бу *қамиш*дир. Қадим вақтларда савдогарлар бизнинг юртимизга қалам учун Эрон, Арабистон ва Ҳиндистонда ўсадиган ичи ҳовал қамишлардан ҳам келтиришган. Бу қамишлар ўсган жойларининг номи билан “мисрий”, “мозандароний”, “ироқий”, “амуий” деб юритилган. Амударё хавзасида ўсадиган “амуий” қамишлари Ироқ қамишларидан кейин, иккинчи ўринда турган. Бу қамишларнинг бизда ўсадиган қамишлардан фарқи устидаги сирлари қалинроқ ва этлари мустақкамроқдир. Лекин бу қамишларни жанубий ўлкаларда ўсувчи ғаров (бамбук) билан адаштирмаслик керак. Чунки ғаровнинг пояси йўғон бўлиб, ёғочи ниҳоятда қаттиқдир. Баъзан жалий – йирик ҳарфларни ёзиш мақсадида ғаровдан ҳам қалам тайёрланади.³

Форсча *сиёҳ* сўзи *қора ранг* маъносини англатади. Бироқ, бу сўз тилимизда қора ранг маъносидан ҳам кўра кўпроқ “ёзишда қўлланадиган суюқлик” маъносида ишлатилади. Мумтоз адабиётимизда *сиёҳ* маъносида арабча “мидод” сўзи ҳам қўлланган. Алишер Навоийда шундай байт бор:

*Хаттининг васфин ёзармен кипригу холи била,
Хат ёзарда чун заруратдур қалам бирла мидод.*

Шоир Мунис эса *сиёҳ*ни хуш исли нарсалар аралашмасидан тайёрланган хушбўй, аммо ранги қора бўлмиш анбарга тенглаб шундай ёзади:

*Анбардин ўлуб анга мураккаб,
Кун олтунидин вале музаҳҳаб.*

Шу тариқа шоирлар мадҳига сазовор бўлган *сиёҳ* кўҳна замонларда яратилган бўлиб, неча асрлар оша бизнинг давримизга етиб келган. Тарихда *сиёҳ*нинг ўнлаб турлари яратилган, юзлаб моддалардан *сиёҳ* қорилган.

³ Қаранг: Т.Зуфаров. Хат таълими. Т.: “Meriyus”, 2010, 19-20-бетлар.

Сиёҳларни тайёрлаш учун бир неча жараёнлар адо этилган ва ойлаб вақтлар сарф бўлган. Ўтмишда ана шу жараёнларни мукамал эгаллаган хунармандлар сиёҳ пишириш билан машғул бўлганлар. Педагог олим Йўлдош Абдуллаев “Эски мактабда хат-савод ўргатиш”⁴ номли китобида ёзади: “...Тошкент, Кўкон, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда айрим кишилар сиёҳ қилиш ва уни сотиш билан шуғулланган. Чунончи, Тошкентда XIX асрнинг 90-йилларида Мулла Нажмиддиннинг сиёҳи жуда машхур бўлган. Кишилар Мулла Нажмиддиннинг сиёҳини саҳҳоф ва атторлардан кидириб топганлар. Мулла Нажмиддин домла Бешёғоч даҳасига тобе Кўкмачит маҳалласида мактабдорлик қилиб, айни вақтда мухрли кулча сиёҳ билан савдо қилган. Халқ уни Мулла Нажмиддин Сиёҳий деб атаган. Эски мактабда асосан қора сиёҳда ёзилган. Сиёҳ ҳозирланадиган қолипнинг номи билан “кулча сиёҳ”, ёки “найча сиёҳ” деб юритилган.

Хат ёзиш учун зарур бўлган ёзув қуролларидан бири *даво*тдир. Ўзбек тилида унинг бошқача номлари ҳам бор. Жумладан, Тошкент шаҳри ва вилоятида уни *сиёҳдон* дейишса, баъзи вилоятларда эса *ҳуққа* дейишади.

Аммо эски мактабларда фақат даво т деб юритишган. Қадимда даво тлар сопол, чинни, шиша, мрамор, метал ва ёғоч (зайтун)лардан ясалган. Шакл жиҳатидан даво тлар турли-туман. Уларнинг катта-кичиклиги ҳам хар хил. Бироқ барчасининг вазифаси ягона бўлиб, ичида сиёҳ тутиб туришдан иборатдир.

Ёзув жараёнида ишлатиладиган яна бир нарса *лос*дир. “Лос” сўзи форсча бўлиб, “паст сифатли, тозаланмаган ипак” маъносини билдиради. Котиблар ишлатадиган “лос” эса соф ипак эмас, балки, хом ипакни калавалаш жараёнида ҳосил булувчи ипак чиқиндисидир. Лос ёзув ишида шундай ишлатилади: даво тга сиғадиган микдорда бир тутам “лос” олиниб, хўлланади ва суви сиқиб ташлангач, даво тга солинади. Уни устига “кулча” ёки “найча” сиёҳнинг бир донасини солиб, устидан бир оз сув томизилади. Оқибатда, “лос”даги нам сиёҳни секин-аста эритади. Бу жараённи тезлатиш мақсадида “лос” устида ивиган сиёҳ “сихпар”- (жайра хайвонининг “дуги” ёки “найза”си) билан эзилади. Лоснинг қимматли хусусияти шундаки, у даво т ичидаги сиёҳни ўзига шимиб олиб, уни беҳуда тўкилиб кетишидан сақлайди. Шунинг учун ўтмишда талаба ва шогирдлар сиёҳларини тўкиб-сочмай, даво тларини бемалол кўтариб юрганлар. Лоснинг айни шу хусусияти хунармандларга қаламдонлар ичига ҳам ихчам даво тлар ўрнатиш имконини берган. Шунингдек, лосни даво тга солишдан кузатилган яна бир мақсад, у қалам учини даво т тубига урилиб,

⁴ Тошкент, 1960.

яроқсизланишидан асраган, ҳамда қалам учига ҳамиша бир хил миқдорда сиёҳ чиқишини таъминлаган. Одатда, қалам учини оҳиста лосга тегизиб олишнинг ўзиёқ, бир ҳарф ёки ҳарф бўлагини ёзиш учун етарли бўлган. Қаламни қарсиллатиб давогга уриш эса маданиятсизлик, омилиқ ҳисобланган. Шунинг ҳам айтиш керакки, давогга бир бор солинган лос икки-уч йилга бемалол етган.⁵

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдусаттор Шайх. Абдуллоҳ ибн Масъуд. Т., 2004, 106-бет
2. Т.Зуфаров. Хат таълими. Т.: “Meriyus”, 2010, 19-20-бетлар.

⁵ Қадимий хат таълими, жараёндаги умумий ва конкрет ҳолатлар, ёзув ашёлари-ю уларнинг тайёрланиш технологиялари ҳақида яқиндан танишиб, батафсил маълумот олишни хоҳловчилар Т.Зуфаровнинг “ Хат таълими” (Тошкент, 2010) китобига мурожаат қилсин.